

## Фиқҳ дарслари (218-дарс) Суннат намозлари ҳақида



19:00 / 16.02.2023 3849

رِهَظْلِدْعَبَوْرَجَفْلِلِبَقْنُسَوْ  
نَأَتَعْلَكَرْءَأَشْعَلَاوْبَرْعَمْلَاوْ  
أَهَدْعَبَوْهَعْمُجْلَاوْرِهَظْلِلِبَقَوْ  
عَبْرَأَلِبْحُوكَمَيْلُسَتِبْعَرْأَ  
لِبَقَبْحُوكَرْصَعْلِلِبَقَ  
لِفْنَلِأُدِيزَمَهُرْكَوْهَدْعَبَوْءَأَشْعَلَا  
أَرَأَهَنَمَيْلُسَتِبْعَرْأَيَلَعَ  
لَضْفَأُعَبْرَأَلَاوْمَلِنَأَمَثَيَلَعَوْ

لْفَنْلَمَزَلَوْنِيَولَمْلَا يَفِ  
هِيلَعُهَنْلَنَطِبَالِإِعْوَرُشَلَابِ  
يَفَضَقَنْوَلَنَاتَغْلَكَرَيَضُقَوْ  
يَنْأَثَلَا يَفْوَلَوَلَاعْفَشَلَا  
يَتَغْلَكَرَيَفَةَءَارَقْلَا كْرَتَوْ  
هَمِيَحْتَلَأَلَطْبُيَلَوَلَاعْفَشَلَا  
يَفِدَمَحْمَدْنَعَوْهَفِيَنَحِ يَبَأَدْنَعِ  
أَلْصَأَلَفُسُويَيَبَأَدْنَعَوَهَعْلَكَرَ  
يَضْقَيَفَهَادَلَا دِسْفُيَلَبِ  
أَمِيَفَهَفِيَنَحِ يَبَأَدْنَعَمَعْبَرَا  
لُكَعَمَلَوَلَا يَدْحِإِيَفَلَكَرَتَ  
يَبَأَدْنَعَوَهَضْعَبَوَأَيَنْأَثَلَا  
دَجْوَيَلَئَاسَمَرَعَبَرَا يَفَفُسُويَ  
يَفَوِنِيَعْفَشِيَفُلَكْرَتَلَا  
دَمَحْمَدْنَعَوَنِيَتَغْلَكَرَيَقَابَلَا

دُعْقَيْ مَلْنِإِو لُكْلَا يَفِنْيَتَعْكَر  
مَتْأَوْ عَبْرَأَيَونْ وَأَطْسَوْلَا يَفِ  
هَيَلَعْ ءَيَشَ الْفَنَتَيَ  
جَرَأْخَمْ مُومَأَبَكَارُلَفَنَتَيَ  
دَعَأَقَوْهَلْبَقْلَرْيَغَىلَإِرْصَمْلَا  
ءَاقَبَ دَعَأَقَهَرُكَوْمَأَيَقَهَرْدَقَعَمَ  
يَنَبَلَزَنَوْهَبَكَارَحَتَتْفَلَنِإِو  
دَسَفَسَهَسْكَعَبَوْ

Бомдоддан олдин ва пешин, шом ҳамда хуфтондан кейин икки ракъат, шунингдек, пешиндан олдин ва жумадан олдину кейин бир салом билан тўрт ракъат суннат ўқилади. Асрдан олдин тўрт ракъат, хуфтондан олдин ва кейин тўрт ракъат маҳбубдир.

Бир салом билан кундузи тўрт, кечаси саккиз ракъатдан зиёд нафл макруҳдир. Иккисида ҳам тўрт ракъат афзалдир.

Нафлни бошлаш ила у лозим бўлиб қолади. Илло, ўзига лозим деган гумон ила бошлаган бўлса, бундан мустасно.

Агар биринчи жуфт ракъатда ёки иккинчи жуфт ракъатда нафлни бузса, икки ракъатни қазо қиласди.

Биринчи жуфтнинг иккала ракъатида ҳам қироатни тарк қилиш Абу Ҳанифанинг наздида такбири таҳrimани ботил қиласди.

Муҳаммаднинг наздида эса бир ракъатда тарк қилса ҳам, (такбири таҳrima ботил бўлади).

**Абу Юсуфнинг наздида қироатни тарк қилиш асло такбири таҳримани бузмайди. Балки адони фосид қилади.**

**Абу Ҳанифанинг наздида эса биринчи жуфтнинг бир ракъатида қироатни тарк қилиш билан бирга, иккинчи жуфтнинг ҳаммасида ёки баъзисида тарк қилса, тўрт ракъатни қазо қилади.**

**Абу Юсуфнинг наздида тўрт масалада икки жуфтликда қироатни тарк қилиш борлиги учун тўрт ракъатни қазо қилади. Қолганларида икки ракъатни. Муҳаммаднинг наздида барчасида икки ракъатни қазо қилади.**

**Агар ўртада ўтирган бўлса ёки тўрт ракъатни ният қилган бўлсанда, икки ракъатни тамом қилса, унга ҳеч нарса лозим эмас.**

**Шаҳардан ташқарида уловга минган ҳолида имо билан, қиблага қарамай нафл ўқиса бўлади.**

**Шунингдек, тик туришга қудрати бўлатуриб, ўтириб нафл ўқиса ҳам бўлади. Намозни тик турган ҳолда бошлаб, кейин ўтириб олиш макруҳдир.**

**Агар уловга минган ҳолида намоз бошлаб, кейин тушса, келган жойидан давом эттиради. Аксинча бўлганда намоз бузилади.**

Бу матнда беш вақт фарз ва жума намозлари олдидан ва ортидан ўқиладиган таъкидланган суннат намозлари ҳамда баъзи намозлардан олдин ва кейин ўқиладиган таъкидланмаган мандуб намозлар ҳақида сўз бормоқда.

Беш вақт намознинг суннатлари ҳақидаги далиллар:

أَمْعَنْبَارِضَرَرْمُعْنُبِلَّا  
يَلْصَبِنَلَّاعَمْتُبِلَّا  
رُهْطَلَّبَقَمَلَسَوِلَّا

ءِنْ يَتَدْجَسْ أَهْدَعَبَ وَءِنْ يَتَدْجَسْ  
دَعَبَ وَءِنْ يَتَدْجَسْ بِرْعَمْلَا دَعَبَ وَ  
ءَعْمُجْلَا دَعَبَ وَءِنْ يَتَدْجَسْ ءَاشْعَلَا  
ءَاشْعَلَا وُبْرَعَمْلَا مَأْفَءِنْ يَتَدْجَسْ  
يَبْنَلَا عَمْتْيَلَصَفُ ةَعْمُجْلَا وَ  
يَفَمَلَسَوْهَلَعُولَالا ئَلَصَ  
. هَتْيَبَ

Ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан пешиндан олдин икки сажда, ундан кейин икки сажда, шомдан кейин икки сажда, хуфтондан кейин икки сажда, жумадан кейин икки сажда ўқидим. Шом, хуфтон ва жума(суннати)ни Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга уйларида ўқидим».

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди